Куч — адолатда

2012 йил,
24 февраль,
жума
№ 8 (365)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга ошириб келинмоқда.



Дарҳақиқат, **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**, **Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури**нинг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлиғини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир неча касб мутахассиси сифатида диплом олган, бир неча хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон кадрларни кўриб, қалбимизда ишонч, ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимиз таълим соҳасида амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар самарасидир. Эътиборлиси, юртимиз бу борада эришаётган ютуқлар дунё жамоатчилиги томонидан кўп бора эътироф этилиши билан бирга, соҳага оид тажрибаларимиз халқаро миқёсда ҳам ўрганилмоқда. Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 17 февраль куни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзуидаги халқаро конференция ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Форумда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Зеро, мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида миллий қонунчилик тизими тобора такомиллашиб бораётир. Жумладан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали механизмлари яратилмоқда.

Islohot va samara

Декриминализация институти

қонунчиликни либераллаштириш йўлидаги муҳим қадам

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**да Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилган. Бу борада маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни бирхиллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва демократлаштириш, соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш каби вазифалар қаторида жиноят қонунчилигининг тобора либераллашуви шароитида айрим қонунбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Маълумки, Жиноят кодекси амалга киритилгандан буён унга 47 та қонун билан 230 га яқин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Таъкидлаш жоизки, жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг таркибий қисмларидан бири — жиноий қилмишларни декриминализация қилишдир.

Назарий жиҳатдан ушбу институт қилмишнинг жиноийлигини, яъни қилмишга нисбатан белгиланган жиноий жавобгарликнинг бекор қилинишини англатади. Бироқ «декриминализация» атамасининг асл мазмун-моҳиятини мазкур жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди. У жуда кенг қамровли бўлиб, ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттирувчи инсонпарварлик, адолат принципларини, давлатнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ эмаслиги, жиноятчиликка ва жамиятдаги турли иллатларга қарши курашишда репрессив усуллардан кўра анча самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан арзонроқ бўлган жамоатчилик назорати усулларига кенгроқ йўл очиб бериш кабиларни намоён этади.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган Финляндия Республикаси Олий маъмурий суди президенти Пекка Илмари Халлберг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда Финляндия делегацияси давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга оид устувор йўналишлар билан атрофлича таништирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

Тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати

Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик — бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни қанчалик улуғлаб келган бўлса, Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячиларини ҳам мудом ана шундай эъзозлайди.

Юртимизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Жорий йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги катта шукуҳ ила нишонланган бўлса, ҳадемай шу тизимнинг ажралмас бир бўлаги бўлган республика Ҳарбий судлари ташкил этилганига ҳам 20 йил тўлади.

Шу муносабат билан мухбиримиз Олий суд раисининг ўринбосари — Ҳарбий ҳайъат раиси, адлия полковниги Боқижон ЯҲЁЕВ билан ҳарбий соҳада, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, ҳарбий судлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

— Суҳбатимиз аввалида мустақиллигимизни муҳофазалаш, халқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам кафолати бўлган миллий армияни шакллантириш ва такомиллаштириш борасида қилинган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, уни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам қалқон, яъни миллий армияни шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимиз учун долзарб масалалардан бири эди. Зеро, давлатнинг ҳар томонлама барқарор ва тадрижий ривожланишида ҳарбий сиёсат стратегик аҳамият касб этади.

Шу боис ушбу масалага Президентимиз истиқлолнинг илк давриданоқ алоҳида эътибор қаратди. Юртимизда бу борада ягона давлат сиёсати асосида армия, чегара ва ички қўшинларимизни босқичма-босқич ҳамда изчил ислоҳ этиш йўлга қўйилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — мамлакатни ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёнининг таркибий қисми

Тошкентда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш" лойиҳасини амалга оширишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Лойиҳадан кўзланган мақсад Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида давом этаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ва лойиҳага жалб этилган Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда хорижлик экспертлар, Ўзбекистон парламенти аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач, барча соҳаларда ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадида ҳаётга татбиқ этиб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда манфаатларини ҳар томонлама таъминлашдан иборат. Президентимиз томонидан белгилаб берилган қонун устуворлиги принципи асосида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида муносабатларни тартибга солувчи, халқаро нормаларга мос қонунчилик шаклланди ва мунтазам такомиллаштирилмоқда. Кейинги беш йилда бу борада қарийб 60 тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Меҳр-оқибат маскани

унда эртанги кун эгалари — баркамол авлод вояга етади

Халқимиз азалдан оилага энг мўътабар даргоҳ, деб қараган. Шунинг учун ҳам оилани ёт назар ва турли хил иллатлардан асрашни муқаддас бурч, деб билган. Эндигина турмуш қурган келин-куёвга оила сабоқларини эгаллашларида ҳар томонлама ёрдам беришда нафақат ота-оналар, балки қариндош-уруғ, маҳалла-кўй фаол қатнашишининг асл моҳияти ҳам шунда. Жорий йилнинг мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши айнан оилапарвар халқимизнинг орзу-интилишларига, маънавий қадриятларимизга ҳамоҳанг бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, ушбу соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома муносабатларини такомиллаштириш адлия идораларининг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Бу борада Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир.

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

унга риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида шартномалар тузишда адлия идоралари ходимлари бевосита иштирок этиб, тадбиркорлик субъектлари, айниқса, фермер хўжаликларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Айтиш керакки, амалдаги қонунга кўра, контрактация шартномаси маҳсулот етказиб берувчи фермер хўжалиги ва уларни қабул қиладиган тайёрловчи ўртасида тузилганида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги тамойилига амал қилинади. Масалан, мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштирувчи хўжалик белгиланган муддатда уруғлик (кўчат) ҳамда идиш ва ўраш-жойлаш материаллари билан таъминлашни тайёрловчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, у маҳсулот сифатини аниқлашда қатнашиш, уни ташиш бўйича транспорт харажатларини қоплашни, уруғлик (кўчат) ўз вақтида етказиб берилмаган ёки бўнак тўловлари, якуний ҳисоб-китоблар белгиланган вақтда амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Финляндиялик меҳмонлар Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, халқаро стандартларга мос ҳолда қабул қилинаётган қонунларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги изчил ислоҳотлар бераётган юксак самаралар билан танишиш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди Пекка Илмари Халлберг. — Ўзбекистон билан мазкур соҳадаги алоқаларни келгусида янада ривожлантириш ниятидамиз.

Учрашувда икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни финляндиялик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

ЎзА

Istiqlol va imkoniyat

Тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Бош қомусимизда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қиладиган тузилма эканлиги эътироф этилди.

Истиқлолнинг ўтган йигирма йиллиги даврида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва чегараларини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни ташкил этиш ва ислоҳ қилишга оид вазифалар самарали адо этилди. Бунда «Мудофаа тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингани улкан аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, юксак жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлган армия барпо этилди. Ҳарбий қисмларнинг тузилмаси такомиллаштирилди, ҳарбий округлар ташкил этилди, мураккаб вазиятларда тезкор ҳаракат қиладиган махсус бўлинмалар тузилди. Бугунги кунда бир йил муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматнинг мутлақо янги тури — сафарбарлик чақируви резерви ташкил этилди.

Ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактаблари очилди ва улардаги ўқув жараёни кенгайтирилди. Сержантлар мактаблари ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланди ва тингловчиларга ривожланган давлатлар андозасидан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Қуролли Кучларимиз сафлари яхши тайёрланган, жисмоний ва интеллектуал даражаси юқори йигитлар билан тўлдирилмоқда.

Миллий армиямизни тўлақонли шакллантиришда халқимизнинг бой тарихи, маънавий мероси, аждодларимизнинг шон-шавкати каби омилларга алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш жоиз. Бу юртига меҳр-муҳаббати юксак бўлган ёшларимизни янада руҳлантирди. Армияда хизматда бўлиш бугунги кунда ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчига айланиши баробарида, аксарият ёшларимиз бу шарафли вазифани доимий касб-кор сифатида танлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Энг муҳими, ҳарбий хизмат ёшларимизни нафақат жисмонан ва маънан чиниқтирмоқда, балки уларнинг руҳи, иродасини тоблаётгани, жасорати, интилувчанлигини кучайтираётгани, уларда ватанпарварлик, ўз юрти ва халқига садоқат каби хислатларни шакллантираётгани қувонарли ҳол.

— Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, албатта, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар билан узвий боғлиқ. Буларнинг барчаси замирида халқимизнинг тинч-осойишта ва фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, тинчлик, осудаликни таъминлаш, аҳолига ўз қобилият ва имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун нафақат мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, балки ҳуқуқ-тартиботни изчил йўлга қўйиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада суд-ҳуқуқ тизими ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этилди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлашга йўл қўймайдиган меъёрлар анча кенгайтирилди.

2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилингани, шунингдек, фуқароларни камоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди.

Амнистия акти судлар томонидан қўлланилишининг белгилаб қўйилганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида** белгилаб берилган устувор вазифалар барча соҳалар ривожида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу Концепция моҳият-эътибори билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг том маънода янги босқичини бошлаб берди.

Концепцияда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг холислиги, бетарафлигини таъминлаш механизмини янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишув принципини кучайтириш, жиноий қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Мазкур ташаббусларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принцип ва халқаро ҳуқуқ нормалари тўлиқ ижро этилаётганидан далолатдир.

— Мамлакатимиз умумий юрисдикция судлари таркибига кирувчи ҳарбий судлар — Қуролли Кучларда одил судловни амалга ошириш, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ваколатли идоралар орасида ўзига хос ўрин тутади. Мазкур тузилма ўтган 20 йил давомида бу борада ўзига хос тажрибага эга бўлди. Шулар ҳақида ҳам батафсилроқ тўхталсангиз.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган даврга назар ташласак, бугунги кунда эришётган ютуқларимиз ва амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг асосий пойдевори мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Буни республикамизда ҳарбий судларнинг ташкил топиши ва шаклланиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий суди ташкил этилди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий судларининг ташкил этилиши билан ҳарбий адлия органлари учун янги давр бошланди.

Ўзбекистон Олий советининг 1992 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори билан шундай ҳайъат тузилиб, унга алоҳида муҳим ишларни биринчи босқич судида, шунингдек, ишларни кассация ва назорат босқичларида кўриш ваколатлари берилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейингина Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикасининг суд тизимига кириб, бошқа судлар билан биргаликда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият кўрсатадиган суд ҳокимиятини ташкил этди.

— Қуролли Кучларда одил судловни самарали амалга ошириш, ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борада ҳарбий судлар суд-ҳуқуқ ва ҳарбий ислоҳотлар руҳидаги янги йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб, биринчи ўринда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қатъий устав тартиби ўрнатилиши, жиноятчиликка барҳам бериш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали муҳофаза қилишга эътибор қаратиб келмоқда.

Амалга оширилаётган суд ислоҳотларида ҳарбий судлар ролининг ўзгача хослиги шундан иборатки, улар Қуролли Кучларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ одил судловни амалга оширишдаги асосий вазифалардан ташқари, Қуролли Кучлар ва ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилади, шунингдек, Қуролли Кучларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳарбий судьялар томонидан ҳарбий қисм шахсий таркиби ўртасида ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ва шунга ўхшаш тадбирларнинг доимий равишда амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда юқори савияли, теран дунёқарашга эга ватанпарвар шахсни тарбиялаш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Шахсий таркиб ҳузурида сайёр суд мажлислари ўтказиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Мисол учун сайёр суд мажлислари 1994 йилда 33,3 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсатгич 70 фоиздан юқори. Суд томонидан муайян бир суд қарори ўқиб эшиттирилиши баробарида, ҳарбий хизматчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиши ҳуқуқий жиҳатдан етук Ватан ҳимоячисини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда ҳарбий судларнинг ҳамкорликдаги ижобий фаолиятлари натижасида кейинги йилларда Қуролли Кучларда содир этилаётган жиноятлар сони кескин камайди.

Шунингдек, ҳарбий судлар томонидан давлат, жамият ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб, 2011 йилда жиноят оқибатида етказилган 950 миллион сўмдан кўпроқ моддий зарарни бевосита айбдор шахслардан ундириш чоралари кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбий судлар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сингари ўтган давр ичида тубдан янгиланди ва бугунги кунда тўлиқ шаклланиб, мукаммал судлов тизимига айланди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизни, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган миллий армиямизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

Iftixor

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг форумда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, ***бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.***

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари талабларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада шакллантирилган қонунчилик базаси мазкур жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Симпозиумда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода эътироф этганидек, ***Президент Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бормоқда. Таълим соҳасига ажратилаётган инвестициялар ушбу ва бошқа йўналишларда гендер тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари билан мустаҳкамланмоқда.***

Ҳозир мамлакатимизда 9779 умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида 8,5 мингдан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Бу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм сарфланди. Мактаб таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир ишлар давом этмоқда. Бунинг натижасида болалар учун шаҳар ва қишлоқ мактабларида бир хил шароитлар яратилмоқда. Юртимиздаги мактабларнинг барчаси замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган, уларда компьютер синфлари ташкил қилинган. Мамлакатимиздаги мактабларнинг 96 фоизи «ZiyoNet» электрон-ахборот тармоғига уланган.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб 12 йиллик мажбурий таълимга ўтди. Мамлакатимизнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналарига ўрта махсус таълим олган ёшлар муайян касб-ҳунарни пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни асосларини яхши билган ҳолда тайёр мутахассис сифатида келмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1396 касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ўқув юртлари бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам бор. Улар учун гўзал ва замонавий бинолар барпо этилган. Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг сўнгги техник ускуналар, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган. Бугун мазкур ўқув юртларида қарийб 1,7 миллион нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда. Уларга тажрибали педагоглар, жумладан, фан номзодлари ва докторлари сабоқ бермоқда. Иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида талаб катта бўлган 86 таълим йўналиши, 225 касб ва 578 мутахассисликни ўз ичига олган умумдавлат таснифи ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежлари ўз ишлаб чиқариши учун ёш кадрлар тайёрлашда иштирок этаётган йирик саноат корхоналари томонидан оталиққа олинган.



Мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда 59 олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ҳар бир вилоятда ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва қатор ихтисослашган институтлар ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, олий ўқув юртидан кейинги таълим тузилмаси ҳам фаол ривожланмоқда. Олий ўқув юртларида 70 йўналишда номзодлик, 37 йўналишда докторлик илмий ишларини ҳимоя қилиш бўйича қарийб 30 ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларини яқинда тамомлаган ва илмий даражага эга битирувчилар – истеъдодли ёш олимлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир.

Болалар ва ёшларни спорт билан фаол ва мунтазам шуғулланишга оммавий жалб қилиш тарбия жараёнининг яна бир узвий қисмидир. Негаки, спорт саломатликни мустаҳкамлаш билан бирга, инсонда феъл-атвор, ирода, қийинчиликларни енгиш қобилиятини шакллантиради. Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг Универсиада беллашувларини ўз ичига олган ноёб уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил қилинди. Барча ўқув юртлари, шу жумладан, қишлоқларда бугун халқаро стандартларга мос жиҳозланган спорт заллари, комплекслари фаолият юритмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ёш авлод ҳар томонлама ва сифатли билим олаётганини қуйидаги далил ва рақамлар ҳам тасдиқлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилаётганидан буён мамлакатимиз мактаб ўқувчилари халқаро фанлар олимпиадаларида 157, жумладан, 29 олтин медални қўлга киритди. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг кўплаб талабалари турли фанлар бўйича халқаро олимпиадалар ғолиби ҳисобланади. Ёш мусиқачи ва рассомлар орасида турли нуфузли халқаро танловлар совриндорлари кўпаймоқда. Ўзбекистонлик спортчилар ҳам Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда бошқа мусобақаларда Ватанимиз довруғини бутун дунёга ёймоқда.

Форумда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс ва бошқалар бугунги кунда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омили сифатида эътироф этилаётганини таъкидладилар, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо бердилар.

Мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва умумтаълим мактабларига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан танишган конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

— Пойтахтингиздаги 17-умумтаълим мактабида, шунингдек, қатор касб-ҳунар коллежлари ҳамда Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтида бўлдик, — **дейди Ньюкасл университети вакили Викки Дрю (Австралия).** — Халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу таълим масканларида таҳсил олаётган изланувчан, тиришқоқ ва билимга чанқоқ ўқувчи-талабалар билан мулоқотда бўлиб, уларга ҳавасимиз келди. Улар энг мураккаб фанларни ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб, ўзлаштираётир. Ўзбекистон ёшларининг хорижий тилларда эркин сўзлашиш салоҳияти ҳам бизни лол қолдирди.

Конференция якунида мамлакатимизда яратилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган, бутун дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган кадрлар тайёрлаш модели ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб давлатлар, жумладан, ривожланган мамлакатлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

унга риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кўриниб турибдики, шартномадан кўзланган мақсадга эришиш учун, биринчи навбатда, унда белгиланган шартларни ўз вақтида бажариш талаб этилади. Шу билан бирга шартномаларнинг қонуний тартибда тузилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, контрактация шартномаларининг малакали мутахассис кўмагида тузилишини тақозо этади.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, адлия бошқармасида тузилган ишчи гуруҳ ва туманларга бириктирилган масъул ходимлар томонидан ўтган йил шартномаларни қайтадан кўриб чиқиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида мингдан ортиқ шартнома қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тузилганлиги аниқланди. Яъни шартномаларда тарафларнинг реквизитларини кўрсатмаслик, ҳуқуқшунос хулосасини олмаслик, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказмаслик, маҳсулот миқдорини ўзгартириш, тарафларнинг муҳрлари билан тасдиқламаслик каби камчиликларга йўл қўйилган. Адлия идораси ходимлари томонидан ушбу нуқсонлар бартараф этилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларига путур етганида тегишли идораларга мурожаат этишлари табиий ҳол. Зотан, бу фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксаклаётганидан ҳам далолатдир. Ўтган йили вилоят адлия бошқармасига шартномавий муносабатлар ва бошқа масалаларга оид 37 та ариза келиб тушди. Мазкур аризаларнинг 14 таси қаноатлантирилди, 12 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. 11 та ариза тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилди.

Ўтган 2011 йилда судларга 3 миллиард 142,5 миллион сўмлик 1380 та даъво аризаси киритилди. Шундан 1 миллиард 71,3 миллион сўмлик 873 та даъво аризасида фермер хўжаликлари манфаатлари кўзланган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, «Шовот пилла» МЧЖ пилла хомашёси етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномасига кўра, фермер хўжаликларидан пиллаларни қабул қилиб олганидан сўнг, аниқроғи, 1 ноябргача якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозим эди. Аммо корхона фермер хўжаликлари билан етказиб берилган маҳсулотлари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаган. Масалан, «Шовот пилла» МЧЖ томонидан бир қатор фермер хўжаликларининг 53,1 миллион сўм асосий қарзи ва 15,9 миллион сўм пеняси тўланмаган. Ушбу қарздорликни ундириш юзасидан судга даъво аризалари киритилди. Суд томонидан даъво аризалари қисман қаноатлантирилиб, МЧЖдан фермер хўжаликлари фойдасига 61 миллион сўм ундириш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир ишда ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва шериклик шартларига риоя этиш муваффақият гарови саналганидай, қишлоқ хўжалигида ҳам контрактация шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ адо этиш томонлар манфаатига хизмат қилади. Аксинча, шартлар бажарилмай қолса, ҳамкорлардан бирининг манфаатига зарар етади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Одилбек ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик

Маълумки, мансаб — кўпчилик томонидан билдирилган ишончдир. Бинобарин, бу ишончни оқлаш кишидан ҳалолликни фаолиятининг мезони деб билиш, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўймаслик, фидойи ва ташаббускор бўлишни талаб этади.

Ҳаётда ўзининг ана шундай фидойилиги билан жамиятимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётган юртдошларимиз жуда кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Маматқул Эргашев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонаси бош директори лавозимига тайинланганда, аввалига фаолиятини ташаббускорлик ва ҳалоллик билан бошлаган эди. Лекин кейинчалик у раҳбар сифатида жамоа манфаатини ҳимоя қилишни унутиб қўйди.

Бу фикрни Оролбўйи транспорт прокуратурасига Илёс Акишевнинг ёзган аризаси ҳам тасдиқлайди. Ушбу аризада келтирилишича, «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли Тўрткўл бекатида жойлашган «Таъмирлаш қурилиш участкаси» томонидан ишчи-ходимларга 2010 йилда 5.549.899 сўм, 2011 йилнинг 1 октябригача эса, 19.005.368 сўмлик иш ҳақи тўланмай келинаётган экан. Мутахассислар иштирокида ўтказилган текширув жараёнида аризада баён этилган важлар исботини топди.

Буни қарангки, «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонаси бош директори М.Эргашев Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 февралдаги **«Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ҳамда 1999 йил 19 ноябрдаги **«Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши бўйича вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида»**ги қарорлари талабини қўпол равишда бузган. Бунинг оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зиён етказилган. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва тегишли тартибда жазо тайинланди.

Айтиш керакки, агар мансабга юксак масъулият деб қарайдиган бўлсак, унинг катта-кичиги бўлмайди. Айнан «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг Тўрткўл бекатида жойлашган «Таъмирлаш қурилиш участкаси»га оид яна бир ҳолат ҳам фикримизга исбот бўла олади, деб ўйлаймиз.

Ушбу корхонада омбор мудири лавозимида ишлаб келган Абдулла Аюпов ҳам жиноий қилмишга қўл урган.

Islohot va samara

Декриминализация институти

қонунчиликни либераллаштириш йўлидаги муҳим қадам

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноий қилмишларни декриминализация қилишнинг икки асосий тури: нисбий ва мутлақ декриминализация мавжуддир. Нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароит юзага келмаган тақдирда амалга оширилади. Унинг қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши, маъмурий ёки интизомий преюдицияни белгилаш, қилмишни жиноят деб топишни янада оғирроқ оқибат билан боғлаш ва жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлган жиноятлар тоифасига ўтказиш каби шакллари мавжуд.

Нисбий декриминализациядан фарқли ўлароқ, мутлақ декриминализацияда муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланишини тушуниш лозим. Бунда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар ижтимоий зарурат туфайли мутлақо бекор қилинади. Мутлақ декриминализация ҳам ўз хусусиятига кўра, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, лекин ҳуқуқбузарлик белгилари бутунлай сақланиб қолган қилмишларнинг жиноийлигини бекор қилиб, уларни маъмурий, интизомий, моддий, мулкий ёки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган қонунларга ўтказиш ва ижтимоий хавфлилик хусусияти билан бир қаторда, ҳуқуқбузарлик белгиларини ҳам йўқотган қилмишларни узил-кесил декриминализация қилиш каби икки турга ажратилади. Мутлақ декриминализациянинг ушбу турида муайян турдаги ҳаракатларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий тақиқ бекор қилиниб, улар қонунга хилоф бўлмаган ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

Бизнингча, декриминализация турларига «суд-тергов декриминализацияси»ни ҳам қўшиш лозим. Суд-тергов декриминализациясини амалга ошириш имконияти Жиноят кодексининг 65-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ ишни тергов қилиш ва судда кўриш вақтида шароит ўзгаргани туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган, деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Шунингдек, 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексига киритилган ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи 66[1]-моддани ҳам келтириш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, декриминализациянинг мазкур тури фақатгина ишни тергов қилиш ва судда кўриш пайтида қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганда, яъни аниқ содир этилган муайян қилмишга нисбатан суд-тергов органининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори билан қўлланилади. Ушбу ҳолатда жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги ўзгармасдан қолади.

Бугунги кунда жиноий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Декриминализация институтининг асосий воситаларидан бири маъмурий преюдиция ёки интизомий преюдиция хусусиятига эга бўлган жиноят таркибларидир. Ҳозирги кунда Жиноят кодексида 30 та маъмурий преюдиция ҳамда 2 та интизомий преюдиция хусусиятига эга жиноят таркиби мавжуд.

Жиноят қонунчилигининг либераллашуви натижасида бир неча таркиблар учун бир йил мобайнида маъмурий жазо чоралари қўлланилганидан кейингина жиноий жавобгарлик белгиланди. Масалан, интизомий преюдицияга эга Жиноят кодексининг 284-моддасида назарда тутилган бўйсинувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсинувчини ҳақорат қилганлиги учун 2001 йил 29 августдаги қонун билан олдин интизомий жазо чораси қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, 287-моддада назарда тутилган ҳарбий хизматчининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун ҳам 2009 йил 22 декабрдаги қонунга кўра, олдин интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг такрор содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи айрим меъёрлари либераллаштирилди. Жумладан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда содир этилганда ёки ҳуқуқбузарлик оқибатида шунча миқдордаги етказилган зарар учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар такрор содир этилгани учун жиноий жавобгарликка тортишда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳисобини юритиш алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сонли қарори билан **«Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди. 2012 йил 1 январдан бошлаб содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазога тортилган шахслар марказлаштирилган тартибда ҳисобга олинади. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маъмурий жазога тортилган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш юзасидан масъул орган этиб белгиланди.

Мазкур Низомнинг 41-бандига кўра, шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортишда, шунингдек, Жиноят кодекси моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортишда шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш тўғрисидаги талабнома жўнатилиши шарт.

Жиноят кодексининг савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган 188, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 189, рақобатчини обрўсизлантиргани учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган 192-моддалари кодексдан чиқарилиб, декриминализация қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур қилмишлар ўз хусусиятига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, улар учун маъмурий жазо етарлидир.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ишлаб чиқилиши жараёнида Жиноят кодексининг тегишли меъёрлари яна бир қатор инвентаризациядан ўтказилиб, у ёки бу жиноий қилмишлар учун жиноий жавобгарликни бекор қилиб, маъмурий жавобгарликни белгилаш ҳақидаги асосли таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан борар экан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, қонунларни эркинлаштириш соҳасида ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда самарали бўлган, инсон онгига ижобий таъсир этувчи иқтисодий санкцияларни қўллаш, жамоатчилик назорати имкониятларидан янада кенг фойдаланилаётгани қувонарлидир. Мазкур жараёнда декриминализация институтининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

Насриддин ИСМОИЛОВ,
юридик фанлар номзоди

Xabar

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — мамлакатни ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёнининг таркибий қисми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Босқичма-босқич ислоҳотлар доирасида судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд фаолиятининг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёнида кўплаб жиноятлар таснифи ўзгартирилди, уларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Йўлдошев, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров, Бош прокуратура ҳузуридаги олий ўқув курслари бошлиғи Т.Умаров, Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи И.Турғунова ва бошқалар шуларни қайд этди.

Конференциянинг хорижий қатнашчилари суд-ҳуқуқ тизимининг инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилиши бутун дунёда катта қизиқиш уйғотгани ва Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантириш йўлидан қатъий ҳамда оғишмай бораётганидан далолат беришини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янги босқични бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжатда "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳаларини кенгайтириш, суднинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш механизмларини янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишувни кучайтириш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси белгиланган. Хорижлик экспертлар Президент Ислом Каримов белгилаб берган чора-тадбирлар ғоят долзарблиги, тизимлилиги, пухта ўйлангани ва мамлакатни изчил демократик ривожлантириш мақсадларига тўлиқ жавоб беришини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш давомида халқаро ҳуқуқ стандартларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш давом этмоқда, уларни амалда қўллаш такомиллашмоқда. Бунда БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутаётир. Европа Иттифоқи билан мулоқот фаол ривожланмоқда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга оид қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилди.

Уч йилга мўлжалланган мазкур янги "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш" лойиҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда салоҳиятни ошириш, жиноят ишлари бўйича суд фаолиятида одил судловни амалга оширишда жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Тадбирда сўзга чиққан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Норбер Жустен лойиҳа турли мамлакатларнинг бундай устувор соҳадаги энг яхши тажриба ва амалиётини жорий этишга қаратилгани, шу сабабли ушбу ҳужжат нафақат Ўзбекистон, балки Европа Иттифоқи учун ҳам ғоят муҳимлигини таъкидлади. Бу лойиҳа Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини қўллаб-қувватловчи механизмга, кейинчалик эса, бошқа соҳалардаги туб ўзгаришларда фойдаланиш мумкин бўлган тажриба моделига айланади. Бундан ташқари, лойиҳа Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари ва Европа давлатлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради. Лойиҳада иштирок этиш европалик мутахассисларга Ўзбекистон ҳуқуқ тизими билан батафсил танишиш ва ушбу соҳада тўпланган тажрибани ўрганишда қўл келади. Шу тариқа бу жараён бир-бирини бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази лойиҳани амалга ошириш бўйича миллий ҳамкорлар ҳисобланади. Европа Иттифоқидан уни бажаришда ГФР Федерал адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги жамғармаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Франция халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги агентлиги ва «Шимолий Ирландиянинг ҳорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик» ташкилоти иштирок этмоқда.

«Жамғармамиз Ўзбекистон билан 2008 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди ГФР Федерал адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқ ҳамкорлиги жамғармаси директори Дирк Мироу. – Ўтган вақт мобайнида кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Бу галги ўзига хос ва кенг қамровли лойиҳа ҳуқуқий ислоҳотларнинг барча масалаларини ўз ичига олган бўлиб, қўшма менежмент билан ажралиб туради ва энг муҳими, биргаликда тажриба тўплашни кўзда тутади. Уни тайёрлаш давомида Ўзбекистоннинг ушбу тизимни янада демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш тарафдори эканига ишонч ҳосил қилдик».

Конференцияда лойиҳа амалга ошириладиган дастлабки йилдаги вазифалар ижроси бўйича ҳаракатлар режаси ҳам муҳокама этилди. Чунончи, Ўзбекистон Адлия вазирлиги билан ҳамкорликни ривожлантириш доирасида ҳуқуқий базани, жумладан, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш бўйича базани такомиллаштириш, ҳуқуқшунослар малакасини ошириш учун масофадан туриб ўқитиш тизимини ва ҳуқуқ ҳужжатлари электрон кутубхонасини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, миллий ва Европа тажрибаси асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш белгиланган.

«Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари истиқболдаги ўзгаришлар учун яхши асос бўлади, — дейди лойиҳа эксперти Клаус Хюнтер (Германия). — Мамлакатингизда ўлим жазосининг бекор қилингани, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилгани, шунингдек, ҳибсга олинганларнинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашни ана шундай самарали натижалар сирасига киритиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда катта тажрибага эгадир. Биз бу ерга нималарнидир ўргатиш учун эмас, балки Европа давлатларидаги энг яхши амалиёт билан ўртоқлашиш ва ўз навбатида, сизларнинг кўп йиллик тажрибангизни ўрганиш учун келганмиз».

Хорижлик экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали таъминлаш, шунингдек, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ қилишни жадаллаштиришга хизмат қилаётир.

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида эришган ютуқлари ва бу жараёнда тўплаган тажрибасига юксак баҳо бердилар. Иштирокчиларнинг умумий фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда демократик изчил ислоҳотларни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Маълумки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими жазоларнинг либераллаштирилиши муҳим йўналиш саналади. Ана шу жараёнда инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига мувофиқ судлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси кенгроқ қўлланилмоқда. Зотан, ахлоқ тузатиш иши жазоси шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тарбиялаш, янги жиноят содир этилишининг олдини олиши билан аҳамиятлидир.

Saboq

Хатодан тўғри хулоса чиқариш

бу инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам беради

Дарҳақиқат, жазо тайинлашдан кўзланган асосий мақсад — айбланаётган шахснинг ўз қилмишининг оқибатини англаши, айбига иқрор бўлиши ва келажакда бундай қилмишларга қўл урмаслигига эришишдан иборатдир. Суд томонидан тайинланган жазонинг ижросини белгиланган тартибда таъминлаш ҳам муҳимдир. Зеро, бу одил судловнинг обрўси ва суд ҳукмининг таъсир чорасини янада оширишга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам қонунчиликда ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик ўз ифодасини топган. Жумладан, Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисмига кўра, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорида Жиноят кодексининг 46-моддаси тўртинчи қисмига кўра, тайинланган жазо муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товланган тақдирда, суд ахлоқ тузатиш ишининг ўталмаган муддатини шу муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тури билан алмаштириши мумкинлиги, бунда Жиноят кодексининг айбдор судланган моддаси санкцияси ахлоқ тузатиш ишлари алмаштирилиши натижасида келиб чиққан муддатдан кам озодликдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тутиши ёки умуман озодликдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тутмаслигининг аҳамияти йўқлиги, ахлоқ тузатиш ишларини озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турига алмаштириш масаласини ҳал қилишда суд ахлоқ тузатиш иши ижросини амалга оширувчи орган томонидан ушбу жазо ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилганлиги, маҳкум қонун талабига мувофиқ жазони ўташдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Шу ўринда бевосита мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, суд ҳукмига кўра, Комил Шамсиев (исм-фамилиялар шартли) Жиноят кодексининг 25,167-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Бироқ Нишон тумани Ички ишлар бўлими жазони ижро этиш инспекцияси томонидан К.Шамсиевга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташнинг тартиб-қоидалари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли тартибда таништирилиб, жазони ўташдан бўйин товлаш оқибатлари ҳақида огоҳлантирилган бўлсада, у суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш жазосини ўтамасдан номаълум тарафга кетиб қолган. ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида унинг қаердалигини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Натижада Нишон тумани ИИБ бошлиғи томонидан К.Шамсиевга нисбатан қидирув эълон қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритилган. Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг 2011 йил 11 июлдаги ажримига кўра, туман ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилиб, К.Шамсиевга нисбатан суд томонидан тайинланган 1 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Кўриниб турибдики, К.Шамсиевнинг содир этган жинояти учун суд томонидан тайинланган енгил жазони ўташдан бўйин товлаганлиги оғирроқ жазога, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилишига сабаб бўлди. Бошқача айтганда, қонун талабини бузиш айбнинг янада оғирлашувига олиб келди.

Мухтасар қилиб айтганда, одил судловнинг обрўси ва суд ҳукмининг таъсирини янада оширишга хизмат қилувчи чоралардан бири — ахлоқ тузатиш иши жазоси ҳам ижроси билан кучлидир. Бинобарин, айбини англаган киши ўзига нисбатан тайинланган жазо, жумладан, ахлоқ тузатиш иши жазосини ҳам намунали ўташи унга енгиллик берилишига асос бўлиб хизмат қилса, аксинча, жиноий ишга қўл уриб, тағин жазони бажаришдан ҳам бўйин товлаш чоранинг янада кучайтирилишига сабаб бўлади.

Жасур НОРҚОБИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

Turmush chorrahalarida

Бағрикенглик тамойилининг амалий ифодаси

Аллақачон қош қорайган бўлса-да, ўғли Дилмуроднинг (мақолада келтирилган барча исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ҳали уйга келмаганлиги Ҳалима опанинг кўнглини хижил қилаётганди.

Ниҳоят, кеч соат тўққизларда Дилмурод бир аҳволда уйга кириб келди. Унинг кўзлари ичкилик таъсирида қизарган, уст-бошлари чанг эди. Дилмурод онасининг саволларига тузук-қуруқ жавоб ҳам бермасдан ўзини тўшакка ташлаганча тошдай қотиб ухлаб қолди. Ўғлининг аҳволини кўриб, Ҳалима опа хотиржам тортиш ўрнига баттар ташвишга тушди. Энди унинг юраги аллақандай нохушликни сезгандай беҳаловат бўлаётганди.

Аслида Ҳалима опанинг хавотири бежиз эмасди. Гап шундаки, дўстлари билан улфатчиликдан қайтаётган Дилмурод сархушлик боис кўчада учраган нотаниш йигитга тихирлик қилиб, унга қўл кўтаради...

Ана шу нохушлик эрталаб ичкиликдан боши тарс ёрилгудай оғриб уйғонган Дилмуроднинг ҳам ич-ичини кемира бошлади. «Агар ички ишлар идорасига мурожаат қилса борми, иш судга ошиши тайин. Ундан сўнг судланиб қоламан...».

Туман суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, жабрланувчи М.Ражабов тан жароҳати олган эди. Бинобарин, айбланувчи Дилмурод Зуҳуров Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганди.

Маълумки, ҳар бир жамиятда ахлоқ-одоб меъёрлари халқнинг урф-одат ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда узоқ йиллар давомида шаклланади. Шу маънода, ўзгаларни ҳурмат қилиш, жамоат жойларида одамлар билан муносабатда иззат-икромни сақлаш, одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя этиш халқимизга хос қадриятлардан саналади. Табиийки, бундай ахлоқий қоидаларга риоя этмаслик бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам путур етказади.

(Давоми тўртинчи бетда)

фаолият мезони бўлсин



Яъни А.Аюпов маъмурий-хўжалик вазифаларини бошқарувчи мансабдор шахс бўла туриб, ўзининг мансаб мавқеини суиистеъмол қилди. Аниқроқ айтганда, у «Таъмирлаш қурилиш участкаси»да таъминотчи лавозимида ишлаган Болта Раҳимов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 2007 йилнинг сентябрь ойида баҳоси 5.324.625 сўмлик 20 дона темирбетон плитани номаълум шахсларга сотиб юборган. У ўзининг бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «в», «г» бандларида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари А.Аюпов такроран ўзининг мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2010 йилнинг апрель ойида жавобгарлигидаги баҳоси 2.215.667 сўмлик 50.660 тонна оҳакни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «б», «в», «г» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Дастлабки тергов даврида жиноят оқибатида «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг Тўрткўл бекатида жойлашган «Таъмирлаш қурилиш участкаси»га етказилган 7.540.292 сўмлик моддий зарар ундирилиши тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, ойлик иш ҳақи бўйича 24.555.267 сўм қарздорлик ҳам ишчиларга тўлиқ тўлаб берилди.

Тўғри, барча ноқонуний ишлар бартараф этилди. Корхонага етказилган зарар ва ишчи ходимларнинг ойлик маошлари тўлиқ қопланди. Бир тарафдан қараганда, ҳаммаси жойига тушиб кетгандек кўринади. Лекин масаланинг иккинчи, энг асосий жиҳатига ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Гап шундаки, юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларига назар ташласак, буларни ўз вақтида бартараф этиш, ишчи-ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш раҳбарнинг зиммасидаги асосий вазифалардан бири саналади. Демак, у зиммасидаги масъулиятни унутиб қўйган ва бунинг оқибатида юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзага келган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бугун ҳаёт шитоб билан илгарилаётган экан, давр билан ҳамнафас бўлиш, жамоанинг қувонч-ташвиши билан яшаш, энг асосийси, ҳалолликни мезон деб билиш кишига обрў-эътибор олиб келади. Буларни унутиш, зиммадаги масъулиятга эътиборсизлик билан қараш эса, ҳеч қачон изсиз кетмайди.

Н.ШАРОПОВ,
Оролбўйи транспорт прокуратураси терговчиси, 3-даражали юрист

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ёлғон сўз касаллик кабидир, чин сўз эса шифодир.

* * *

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, чунки саховат сени севикли қилади.

* * *

Билимлининг бири билимсизнинг мингига тенг, зеро, илмли кишилар илм-маърифатнинг қадрига етади.

* * *

Ҳаммавақт бошқа одамлардан ёмон жиҳатларни эмас, яхши жиҳатларни қидир.

* * *

Одамларни ҳурмат қилиш — ўзини ҳурмат қилишдир.

* * *

Тафаккур — донишманд қалбнинг тириклиги.

* * *

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзингни ёмон одатлардан сақлаб яша.

* * *

Истакларини енга олганлар қатъий иродали инсонлардир.

* * *

Тажриба — қимматли мактаб.

Munosabat

Меҳр-оқибат маскани

унда эртанги кун эгалари — баркамол авлод вояга етади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оилалар соғлом бўлса, жамият мустаҳкам, мамлакат барқарор бўлиши шубҳасиздир. Оила мустаҳкамлиги эса, соғлом турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз билимли, ҳар томонлама етук инсон бўлиб улғайиши, ҳаётда муносиб ўрин топиши, аниқ мақсад сари интилишларида оиладаги муҳитнинг аҳамияти катта.

Қувонарлиси шундаки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртдошларимизнинг фаровон ҳаётини йўлга қўйиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқда. Андижон вилояти мисолида айтадиган бўлсак, 2009 — 2011 йилларда намунавий лойиҳалар асосида қурилиб фойдаланишга топширилган 1345 та оила учун мўлжалланган уйларнинг аксариятида ёш оилалар истиқомат қилмоқда. Мустаҳкам оила йилида эса, вилоятда яна 770 та оила намунавий лойиҳалар асосидаги шинам уйлар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари Булоқбоши туманининг «Қумгузар» маҳалласида 2010 йилда ўттиз оилага, 2011 йилда «Кулла», «Бозорбоши», «Найман» қишлоқларида ҳамда Х.Мадраҳимова номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 37 оилага мўлжалланган уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Булоқбоши туманининг «Майариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида барпо этилган «Ҳарбийлар шаҳарчаси»да ҳам ҳар томонлама қулай, замонавий архитектура талаблари асосида кўп қаватли уйлар қурилди. 48 оилага мўлжалланган бу кўркам иморатлар атрофи кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахтлар экилди. Болалар майдончалари, сайр қилиш йўлаклари барпо этилди.

«Ҳарбийлар шаҳарчаси»даги шинам уйлардан бири Тангриевлар оиласига берилган. Дид билан безатилган, барча қулайликларга эга бу хонадонга оила соҳиблари санъат ва адабиёт ихлосмандлари бўлганлиги сабабли таниқли ҳофизлар, санъаткорлар тез-тез ташриф буюриб туришар экан. Фозилжон мустақил юртимизда ҳарбийлар оилаларига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлардан беҳад мамнунлигини билдирар экан, келгусидаги орзуларига ҳам тўхталди:

— Оилада кўпроқ мумтоз қўшиқларни тинглаганлигимиз учун фарзандларимиз ҳам миллий санъатимизга

муҳаббат билан улғайишмоқда. Ўғлимиз Оғабекни Тошкентдаги мусиқа ва санъат мактабига юбориш ниятимиз бор. Инсон қайси соҳани танлашидан қатъий назар, энг асосийси, ўз элига холис хизмат қилиши, юртига содиқ фарзанд бўлиши керак.

Хўжаобод тумани кейинги йилларда бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Туман марказидаги кўчалар шаҳарсозлик талаблари даражасида қайта таъмирланди, йўл четларига замонавий ёритгичлар ўрнатилди. Кўчалар бўйидаги эски ва пастқам бинолар ўрнида шаклан бир-бирини такрорламайдиган кўркам ва ёруғ, замонавий кўп қаватли бинолар қад ростлади. Алишер Навоий номидаги кўчада янги барпо этилган 126 объектда маиший хизмат ва сервис, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Ёшлар маркази, мини футбол мажмуаси, замонавий буюм бозори ҳам туман марказига кўрк бўлиб тушган. Хўжаобод тумани бўйича ҳозирда 78 янги объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шундан 24 объект 2012 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. «Бирлашган» маҳалласида 500 ўринли миллий ва замонавий архитектура талабларини ўзида мужассамлаштирган тўйхона қад ростламоқда.

Туманда мавжуд бўлган ўнта ишлаб чиқариш корхонаси 2011 йилда салкам ўн миллион АҚШ доллари қийматига эга маҳсулотларни экспорт қилишга эришди. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 145 фоизга кўпдир. Ўтган йили ташкил этилган 120 ўринга эга «Фазо» ишлаб-чиқариш корхонасида асосан коллеж битирувчилари фаолият кўрсатмоқдалар. «Жоме» маҳалласида 70 ишчи ўрнига эга янги тикув ишлаб чиқариш цехи Наврўз умумхалқ байрами арафасида иш бошлайди.

Туманда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар бевосита одамларнинг фаровон турмуш тарзини ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун мустаҳкам замин бўлаётир.

Хўжаобод қурилиш касб-ҳунар коллежи директори, иқтисодчи олима Мамлакатхон Исмоилова моҳир педагог бўлиш билан бирга намунали оила соҳибаси. Ўғли Арслонбек «Миллий тараққиёт нури» номли фермер хўжалиги раиси. Улар ўтган йилги даромаддан туманнинг «Солпи» маҳалласи ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардан бирини сотиб олишди.

Мамлакатхон Исмоилова раҳбарлик қилаётган коллежда 1237 нафар ёшлар таҳсил олади. Билим юртида «Ораста қизлар клуби» ташкил этилган бўлиб, туман соғлиқни сақлаш бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда қизларни турмушга тайёрлаш дарслари мунтазам ўтказилиб турилади. Коллежда ёшларга пазандачилик, тикувчилик, дурадгорлик каби қўшимча ҳунарлар ҳам ўргатилади.

Пойтахтимизда куни кеча бўлиб ўтган **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзусидаги халқаро конференция ҳақида сўз борар экан, Мамлакатхон опа шундай деди:

— Президентимизнинг маърузасида айтилган кенг қамровли фикрлар биз ўқитувчиларни фахрлантириш билан бирга вазифамизга янада чуқурроқ ёндашишимиз кераклигини англатади. Ватанимизнинг истиқболи бўлган ёшларни ўз касбининг ҳақиқий эгаси қилиб тарбиялашимиз, ҳаётда ўрин топишларига кўмаклашишимиз керак. Бу борада, энг аввало, биз — ўқитувчилар масъул ва бурчлимиз.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан вилоятда қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ёшлар ташкилотлари, ФҲДЁ идоралари ҳамкорлигида амалга ошириб келинмоқда. **«Мустаҳкам оила — жамият пойдевори»** шиори бу борадаги барча эзгу ишларнинг бош мавзусига айланмоқда.

Юртдошларимиз қалбидаги ишонч, шукроналик ҳислари, ҳар томонлама ҳимояланган давлатимизда барқарор тинчлик, фаровонлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат ва билимга чанқоқлик эртанги ёруғ истиқболимиздан даракдир.

Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими масъул котиби

G'aroyib olam

Тақдир ва тафаккур

Николай Коперник дунё илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У «Қуёш ер атрофида айланмайди, аксинча, ер сайёраси қуёш атрофида тинимсиз айланади», деган илмий гипотезанинг асосчисидир. Шу боис ҳам олимнинг ватани Польшада унинг хотирасига ўрнатилган ёдгорликка "Қуёшни тўхтатган, ерни силжитган одам", деб ёзиб қўйилган.

Ана шундай улуғ аллома-лардан бири буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний фалакиёт илмига Н. Коперникдан нақ беш юз йил илгари улкан ҳисса қўшган эди. У ўзининг илмий асарларида дунёнинг тузилиши масаласида қадимги Миср олими Клавдий Птолемей (Батлимус)нинг назариясига суянса ҳам, ернинг ҳаракати ҳақида ўша даврда ҳукмрон бўлган қарашларни асосли тарзда инкор этган эди. Масалан, Беруний "Ҳиндистон" асарида "Ернинг айланиш ҳаракати фалакиёт фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмаган, чунки ерда юз берадиган ҳодисалар унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади", деб мулоҳаза билдирган.

Шунингдек, буюк ватандошимиз бошқа бир асарида Абу Саид Ас-Сижзийнинг астролябияси тўғрисида сўз юритганда эса, ўта муҳим хулосага келади: "Унинг негизи осмон ҳаракатланишига эмас, балки ернинг ҳаракатланишига асосланганлиги учун мен уни жуда ҳам ажойиб кашфиёт деб ҳисоблайман". Беруний ёритқичлар ҳаракатини ҳандасавий изоҳлаш асосида оламнинг тузилишини тушунтирадиган геоцентрик ва гелиоцентрик тизимлар ўзаро тенг кучга эга, деган фикрга келади.

"Геодезия" асарида Абу Райҳон Беруний геоцентризм билан боғлиқ баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганини очиқдан-очиқ баён этади. Аллома бу фикри билан дунёнинг гелиоцентрик тузилиши назариясини ишлаб чиқишга ҳисса қўшди. У осмон ёритқичларининг ҳаракат траекторияси ва шакли эллипсоид эканлиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритди. Берунийнинг бу башорати Коперник ундан анча кейин қилган кашфиётни маълум даражада олдиндан айтиш эди. Лекин барибир илм-фан тарихида гелиоцентрик назария Коперникнинг номи билан қолган.

Николай Коперник деганда, кўпчилик астроном олимни тушунади. Ҳолбуки, яқинда топилган ҳужжатлар Коперникнинг ажойиб иқтисодчи олим бўлганидан ҳам далолат беради. Коперникнинг XVI аср биринчи чорагига мансуб учта қўлёзма асарида унинг Польшадаги пул муносабатларини барқарорлаштиришнинг эҳтимолий йўллари ҳақидаги қарашлари баён этилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Коперник ўз давридаги иқтисодий тафаккурнинг олдинги сафларида борган.

Қуёш ер атрофида эмас, балки ер қуёш атрофида айланиши ҳақида Коперникдан юзлаб йил аввал гапиришган, ёзишган. Птолемей тизими изоҳлаб беролмайдиган юзлаб далиллар кўплаб асрлар мобайнида қадимги Юнонистон, Италия, араб илм-фани мунажжимларининг асарларида йиғилиб, тўпланиб келаверган. Бу таълимотда нималардир нотўғрилигини, Птоломей янглишаётганини кўпчилик ҳис қиларди. Лекин нима ўша нарсалар? Чигал тусдаги бу таълимотни қандай қилиб тузатиш мумкин?

Коперник асосий асари нашр этилишидан 30 йил муқаддам унинг қўлёзма нусхаларини турли мамлакатларга юборган. "Николай Коперникнинг осмондаги ҳаракатларга доир фаразлари тўғрисида ва уларга қисқача шарҳ", деб номланувчи бўлғуси китобнинг ўзига хос қораламаси эди улар. Бу қўлёзмалар йўқолиб кетган деб ҳисобланарди, аммо 1878 йили Вена архивларидан биттаси, орадан уч йил ўтгач, Стокгольмда бошқа нусхаси топилди.

Ҳаётдаги асосий асарини нашр этишга қарор қилганида у ёши бир жойга бориб қолган қария эди. Ўзининг ҳақлигига заррача шубҳаси бўлмаган Коперник хотиржамлик билан шундай деб ёзади: "Кўплаб бошқа олимларнинг айтишларича, барча математикларга фойда келтирувчи бу китобни чоп этишдан қўрқмаслигим керак. Ернинг ҳаракатланиши ҳақидаги таълимотим кўпчиликка ҳозир қанчалик бемаъни кўринса, китобим босилиб чиқиб, ҳар қандай шубҳа-гумон энг яққол далил-исботлар туфайли барҳам топганида ҳайрат ва миннатдорчилик туйғуси ҳам шунчалик кучли бўлади. Ана шуларни ўйлаган ҳолда дўстларим нашр этишни кўпдан буён мўлжаллаб юрган асарим ниҳоятда чоп қилинишига розилик билдирдим".

Олимнинг якка-ю ягона, бениҳоя садоқатли шогирди Рэтик қимматбаҳо қўлёзмани Нюренбергга, матбаачиларга элтиб топширади. Олим эса, деярли ҳеч қаерга чиқмас, ҳузурига ҳам камдан-кам одамни чақирарди. Олим китобини кутарди. У 1542 йили ўпкасидан қон кетиб, ўнг қўли ва оёғи шол бўлиб, тўшакка михланиб қолади. Коперник бир умр шошмасдан яшаганди, ўлими ҳам оғир кечиб, узоққа чўзилди. 1543 йил 23 май куни узоқ кутилган китоб, ниҳоят, Нюренбергдан келтирилганида олимнинг аҳволи оғир эди, лекин у китоби муқовасини авайлаб силаб-сийпади.

Коперник ўша куниёқ вафот этди. Тақдир ўлим билан барҳаётликни учраштирган эди. Олимнинг қабри йўқолиб кетди, аммо китоби асрлар синовига бардош бериб, абадий қолди.

Мухтабар НУСРАТОВА

Turmush chorrahalarida

Бағрикенглик тамойилининг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу боисдан, ахлоқ-одоб меъёрларини бузиш қонунчилигимизда жамоат тартибига қарши қаратилган безорилик жинояти сифатида баҳоланади. Бу борада Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги **«Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарорида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Энди мақсадга қайтадиган бўлсак, айбланувчи Д.Зуҳуровнинг қилмиши муқаррар жазога лойиқ. Буни Дилмурод ҳам, Ҳалима опа ҳам яхши билади. Шу боис уларнинг тинчи бузилган, ҳаловати йўқ эди. Ана шундай пайтда Олий Мажлис Сенатининг **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарори эълон қилинди. Туман прокурори судга Д.Зуҳуровга нисбатан амнистия актини татбиқ этиш тўғрисида илтимоснома тақдим этди.

Суд Д.Зуҳуровнинг муқаддам судланмаганлиги, содир этган қилмиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, ўзи эса, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, амнистия актини қўллашни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилганлигини инобатга олди ва амнистия тўғрисидаги қарорнинг 7-бандига асосан, Д.Зуҳуровнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб ишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди. Жабрланувчи М.Ражабовга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Бу қонунларимизда ўз ифодасини топган инсонпарварлик тамойилининг амалий ифодасидир. Бундай бағрикенглик, аввало, тўғри йўлдан адашган ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари учун берилган имкониятдир. Табиийки, бу имконият замирида катта масъулият мужассам. Шундай экан, уни ҳалол меҳнат ва намунали хулқ-атвор билан оқлаш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Жаҳонгир АРСЛОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Giyohvandlik — asr vabosi

Боши берк кўча

Суд очерки

Маълумки, бугунги кунда инсониятга энг жиддий хавф туғдираётган трансмиллий жиноятлардан бири бу — ноқонуний гиёҳвандлик савдосидир.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзида 200 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандлик балосидан азият чекар экан. Гиёҳванд кимсанинг ўз нафсини қондириш, хуморини босиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу иллатнинг нечоғлик катта хавф эканлиги янада ойдинлашади. Бундан кўринадики, гиёҳвандликка қарши курашиш инсониятнинг келажагини ҳам хавфдан асраш омили саналади.

Шуни афсус билан қайд этиш жоизки, моҳиятан трансмиллий характерга эга гиёҳвандлик иллати бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мўмай даромад илинжида ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган айрим кимсалар ана шундай жиноятга қўл урмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг махсус тадбирларида бундай кимсаларнинг қилмишлари фош этилаётир.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратсак, Балиқчи туманида яшовчи, икки нафар фарзандниг отаси Ҳ.Исомиддинов ҳам оғу домига тушганлардан бири. У аввалига қизиқиш сабабли гиёҳвандлик моддасини чекиб кўради, кейинчалик эса, бу зарарли одатга кўникиб қолади. Натижада бу «одат»га шу қадар ўрганадики, бир бор нафсига ором бериш учун ҳар нарсага тайёр бўлади.

Табиийки, бундан оиладаги осойишталикка ҳам путур етади. Ҳ.Исомиддинов ҳеч кимнинг — на турмуш ўртоғининг ёлворишлари, на фарзандларининг мўлтираб қарашига парво қилмай, уйдаги молларгача сотиб, ўзининг жизғанак қилаётган хуморини босишни истайди. Шундай кунларнинг бирида у эски танишларидан бирини учратиб қолади. У оғу етиштириб, сотишни таклиф қилади. Ҳайдар аввалига бир-икки туп нашани ўстириб парваришлайди ва ўзига етарини олиб қолиб, қолганини сотиш пайига тушади. Биринчи савдодан мўмай пул топган Ҳ.Исомиддинов келаси йили бу «иш»га янада муккасидан кетади.

Аммо унинг «фаолияти» узоққа бормади. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракати билан Ҳ.Исомиддинов таниши Сардор ва Мансурга 200 АҚШ долларига гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда қўлга олинди. Унинг уйи кўздан кечирилганда 18 килограмм 613 грамм миқдорида «марихуана» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди.

Ҳ.Исомиддинов ўзининг бу қилмиши билан амалдаги Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди Ҳайдар Исомиддиновнинг жиноят ишини атрофлича ўрганиб, унга тегишлича жазо тайинлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда ушбу иллатнинг аянчли оқибатларидан барчани, айниқса, ёшларни хабардор қилишга эътибор қаратилаётир.

Туманимизда ҳам бу иллатга қарши кураш олиб борилиб, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан турли тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Албатта, бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир. Жумладан, 2010 йилда жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жинояти билан боғлиқ 32 та иш кўрилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 28 тани ташкил қилган.

Хулоса қилиб айтганда, биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг биринчи вазифа деб белгилаганмиз. Зотан, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Шундай экан, саломатликка, осойишталикка дахл қилувчи иллатлар, жумладан, гиёҳвандликка қарши курашишда баҳамжиҳат бўлмоғимиз даркор.

Улуғбек КАРИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9070.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰